

ТУРКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА МАҲАЛЛИЙ САРМОЯДОРЛАР**Аъзамжон Абдулладжанович Юсупов**

Фарғона политехника институти

АННОТАЦИЯ

Мақолада XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда фаолият олиб борган бир гуруҳ маҳаллий сармоядорларнинг фаолияти, ўлкага олиб кирилган ва ўлкадан олиб чиқилган маҳсулотлар, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг бундаги ўрни ва фаолияти тўғрисида сўз боради.

Калит сўзлар: Туркистон, Қошғар, Фарғона, сармоядор, савдо уйи, Миркомилбой, Ориф хожи, Вадьяев, Аҳмадбек хожи, Потеляхов, колониал (мустамлака) маҳсулотлар, тижорат, савдо-сотик, заводчи-бой

LOCAL INVESTORS IN THE ECONOMIC LIFE OF TURKISTAN**Azamjon Abdulladjanovich Yusupov**

Fergana Polytechnical Institute

ABSTRACT

The article deals with the local entrepreneurs of the bai who conducted their activities at the end of the 19th and the beginning of the 20th centuries, about the products produced in the region, as well as what was imported into the region and what goods were exported outside the region after their commercial and industrial activities.

Keywords: Turkestan, Kashgar, Fergana, investor, trading house, Mirkomilboy, Arif Khodji, Vadyaev, Akhmadbek Khodzhi, Potelyakhov, colonial (colonial) products, trade, commercial and industrial factory, factory industry.

КИРИШ

XIX асрнинг 80-90-йилларида сиёсий майдонга чиққан маҳаллий сармоядорлар Туркистон ўлкасининг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида сезиларли из қолдирди. Дастлаб савдогарлик, савдо-саноатчиликда катта

тажриба орттирган маҳаллий сармоядорлар XX асрнинг бошларига келиб йирик фирмалар, савдо уйлари ва савдо-саноат ширкатларига, ҳатто синдикатларга хўжайинлик қила бошлади. Шу тариқа маҳаллий сармоядор Туркистон иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин эгаллади.

Туркистонда тоғ-кон, қазилма ресурслар (нефт саноати, суғорма ерларни ўзлаштириш, ароқ ва пиво ишлаб чиқариш билан асосан рус ва хориж сармоядорлари шуғулланган бўлса, маҳаллий сармоядорлар пахта етиштириш, чорвачилик, боғдорчилик тармоқлари, шунингдек, мой ишлаб чиқариш, совун пишириш, пахта тозалаш, тери ошлаш (кўнчилик), ғишт заводлари, савдо-сотик ва тегирмонларни юргизишга сармоя қўйди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Сармоядорлар ўз бойлигини дастлаб савдогарлик, судхўрлик (ижарахўрлик, ўз ер-мулкани ижарага бериш ёки ижарага олиши), фирма ва банкларга воситачилик қилиш орқали кўпайтирди. Кўплаб тарихчилар Кўқон хони Худоёрхон кўпроқ йирик савдогарлик билан шуғулланиб, хонлик чегарасидан чиқиб кетганлигини қайд этади [1...341]. Худди шундай жараённи Бухоро амири ҳам босиб ўтган. В.В.Бартольднинг маълумот келтириши бўйича, «амир ўз ҳукуматининг йирик саноатчиларидан бири эди, у бир нечта пахта тозалаш заводларига эгалик қилган, - бундан ташқари қорақўл тери сотиб олиш билан шуғулланган ва ҳар йили Москвага 15 млн. рубллик тери жўнатиб турган» [2...247].

Савдо-сотик ва саноатнинг турли тармоқларининг ривожланиши, айниқса пахтачиликда - маҳаллий сармоядорларнинг бойиши ва уларнинг қўлида жуда катта миқдорда капитал тўпланишига кучли ёрдам берди [3...341]. «Шаҳарларда савдо айланмасини кенгайтиришдан албатта маҳаллий мулкдор бойлар фойдаланишади, - деб ёзади В.В.Бартольд, - тошкентлик савдогарлар ўртасида шундай капитал пайдо бўлдики, илгари тушимизга ҳам кирмаган. Илгарилари Тошкентда 10-15 минг рубл пули бўлган одамларни йирик бойлар деб ҳисоблашарди, бизнинг вақтимизда эса (1913 й.) сартлар ичида бой бўлиб танилиш учун албатта энг камида ярим миллионгача пули бўлиши керак» [2...271].

«Миркомилбойни ҳисобга олмаганда фақатгина Андижон уездининг ўзидаги 145 бойнинг қўлида 7 500 десятинага яқин ер-мулк тўпланган эди. Шу вақтда 9 000 деҳқон хўжалигида бор йўғи 3 072 десятина ер-мулк бўлган» - деб ёзади В.Я. Непомнин [3...24].

XIX асрнинг охири чорагида капиталистик муносабатларнинг ривожланиши туб аҳоли ичидан фабрикант ва заводчиларнинг пайдо бўлишига олиб келди ва 90-йилларда йирик сармоядорлар сони кўпайди. Жумладан, Хўжандда Олимбоев ва Абдурахмоновлар, Каттақўрғонда Абдуҳаким Мўминжонов, тошкентлик Юсупов гишт заводини, Мулла Йўлчибой Тўйчибоев пахта тозалаш заводининг эгаси эди. Исабек Ҳакимбеков, Мирғози Мираюповларга пахта тозалаш ва кўнчилик заводлари, Бадалмуҳаммадбой Дадамуҳаммедов, Боқижон Дадажонбоевларга пахта тозалаш заводлари ва жамоатчилик ҳаммомлари (мўрчалар) қарашли эди. Тошкентлик сармоядорларнинг 12 нафарида тери ошлайдиган хусусий заводлари бўлган. Фарғона вилоятида 12 нафар маҳаллий сармоядорнинг тасарруфида 30 та пахта тозалайдиган ва мой ишлаб чиқарадиган заводлари бўлган.

Маҳаллий сармоядорлар ичида кўқонлик Солижонбой Муҳаммаджонов айниқса таниқли эди. Унинг отаси Олимжон хожи Кўқондаги энг йирик бой бўлиб, «бойлар бойи» номини олган эди. Солижонбойнинг ер-мулки унчалик катта бўлмаса ҳам, лекин унинг асосий даромад манбаи савдо корхоналари ҳисобланарди.

Маҳаллий сармоядорлар рус саноатчилари ва банклари билан яқин алоқада бўлган. Масалан, Рус-Осиё банкининг Ўрта Осиё бўлими пахта олиб сотувчи сармоядорлар Обиджон Маҳмудов, Мулла Муҳаммад Иброҳим Саримсоқов, Мулла Ҳамроқул, Бадалбой Муҳаммад Содикбоев, Абдуазиз Юлдашев ва бошқаларни маблағ билан таъминлаб турган [5...76-77].

Туркистон маҳаллий сармоядорларининг энг йирик вакиллари – Вадьяев, Потеляхов, Ориф хожи, Миркомилбой, Аҳмад хожи эди. Уларнинг барчаси миллион-миллион рубль сармоёга эга бўлган [6...277].

Тошкент уездининг Зангиота волостида Тўра хожи Дадажонбоевнинг 200 десятина, Рустамбой хожи Мирзаевнинг 120 десятина, Наврўзбоевнинг 250 десятина ер-мулки бўлган [5...47].

В. Бартольд Наманган районида 200-250 десятина ер-мулкка эга бўлган ер эгалари ҳақида маълумот беради. А.В. Пясковскийнинг маълум қилишича, Ориф хожи Азизхожиев ва Мирсайд Азимбоевлар сингари маҳаллий сармоядорлар йирик ер эгалари бўлган. Улар хўжалигини ўзлари юритмаган, яъни савдо-судхўрлик билан шуғулланган. Уларнинг ерларида чорикор ва мардикорлар ишлаган [5...47].

Ўзбек сармоядорлари ака-ука Мирғиёс ва Миркомил Миртолиповлар 1912 йил 15 мартда Тошкент шаҳрида «Ака-ука Миртолиповлар» фирмасига қарашли савдо уйини очишади. Мазкур савдо уйининг асосий капитали 15 000

рубл бўлиб, у Тошкент ва Ўш шаҳарларида фаолият кўрсатган. Иш бошида савдо уйи Низом фондига Мирғиёс 10 000 ва Миркомил 5 000 рубл маблағ кўйган. Савдо уйини тошкентлик сарт Миразим Миртолипов бошқарган. Савдо уйи контораси Тошкент шаҳрида жойлашган. Бу сармоядорлар турли хил мануфактура молларининг улгуржи савдоси билан шуғулланган [7...87-88].

«А. Ахмеджанов ва К^о» фирмаси таркибида тўлиқ шерикчилик асосида ташкил этилган «Маҳсулот» савдо уйи ўз фаолиятини 1913 йил 24 майда бошлаган. Асосий капитали 5 000 рубль бўлиб, Тошкент ва зарур пайтларда Россия империясининг барча шаҳарларида фаолият олиб борган. Манзили Тошкент шаҳри, аъзолари 11 кишидан иборат бўлган. «Маҳсулот» савдо уйи мева-чева, полиз ва сабзавот маҳсулотлари, нон, беда, пахта, ёғоч материаллар ва бошқалар билан савдо-сотик қилган. Бошлиқлари Абдурахим Ахмеджонов ва Хайрулло Даутовлар эди [7...91-92].

«Юсуфжон Саримсоқов, Абдуғофир Рўзимуҳаммедов ва К^о» фирмаси 1913 йил 1 апрелда тўлиқ шерикчилик асосида савдо уйига айлантирилган. Унинг асосий капитали 400 000 рубл эди. Савдо уйининг фаолият кўрсатиш муддати 20 йилга белгиланган. Аъзолари 6 нафардан иборат бўлиб, уни Ю. Саримсақов ва А. Рўзимуҳаммадовлар бошқарган. Бош идораси Тошкент шаҳрида жойлашган. Савдо уйи Тошкент ва Россия империясининг бошқа шаҳарларида фаолият олиб борган ва асосан отлар, кўйлар, шохдор қорамоллар, тери, жун, нон, қоп, арқон, чит, шойи ва бошқа хар хил товарлар билан савдо қилган [7...22 варақ орқаси, 93].

НАТИЖАЛАР

Юқорида номлари қайд этилган савдо уйлари ўз Низомларини тасдиқлатиш ва лицензия олиш учун шаҳар бошқармасига ариза бериб рўйхатдан ўтган, ҳужжатларни нотариал идорада тасдиқлаган. Кўриниб турибдики, ўзбек ва бошқа маҳаллий миллатлар сармоядорлари ўз сармоясига эга бўлишни, уни нима мақсадларда ишлатиш ва капитал айланмасини кўпайтиришни яхши билганлар.

Кўплаб архив ҳужжатлари ва илмий манбаларни ўрганар эканмиз, инқилобдан олдинги ҳамда советлар тузуми давридаги тадқиқотчилар маҳаллий сармоядорларнинг Туркистон иқтисодий ҳаётида тутган ўрни ва тадбиркорлик фаолиятига ҳолисона ёндошмаганини кўрамиз. Айниқса, Туркистон маҳаллий сармоядорларининг фаолиятини инқилобдан олдин ёзиб қолдирган рус тадқиқотчилари уларга нисбатан салбий фикр уйғотиш учун роса тер тўкишган кўринади. Масалан, С. Понятовскийнинг фикрича: «... Бошқаси, яъни маҳаллий

бойларнинг савдо-судхўри (таъкид бизники - А.Ю.) шу билан бирга асосийси, ўзига хос ажралиб турадиган томони шундаки, маҳаллий сармоядор сотиб олувчи ва сотувчи сифатида кўз ўнгимизда пахта ҳамда бошқа ҳам ашёни бевосита энг кўпини ишлаб чиқарувчи бўлиб қолади ва шунинг учун якка ҳокимлик қилиб уни судхўрлик эксплуатациясининг энг ёввойиларга, энг шафқатсиз усули ёрдамида эксплуатация қилади» [8...289]. С. Понятовскийнинг ўз фикрини давом этдириб шундай ёзади: «Савдо-судхўрликнинг маҳаллий сармояси жиддий ёрдам олиб, қўллаб-қувватланган тақдирдагина Россия капиталига агентлик ролини бажара олади. Аввал Туркистон ва собиқ империянинг бошқа қисмлари ўртасидаги товар айланмасини қўлга киритиб, бойлигини ўн баравар оширади ва четдан капитал ололмай қолганда маҳаллий сармоядор савдо-судхўрлик капиталидан тушган бу айланмани ўз маблағи билан бирга ишга туширади. Савдо-судхўрлик капиталианинг характерли жиҳатларидан яна бири айнан шундаки, у бошқалар маблағини ишлатади - банкларнинг заёмли капитали, «европа» савдоси ва пахта сотувчи фирмалар орқали олинган маблағлар ҳисобига иш юритади, бу ҳам бўлмаса, энг охири ўз сармоясини ишга солади» [8...289].

Бу хусусда тадқиқотчи Н. Потапованинг қарашлари самимий. У бозор иқтисоди даврида яшаб-ижод қилаётганлиги сабабли савдо-судхўрлик, воситачилик ва ҳоказоларни табиий ҳол деб билади. Бизнингча савдо-сотик бўлмаса, тадбиркорлик ҳам бўлмаса керак, бу бозор қонуни. Масалан, маҳаллий сармоядор «Потеляхов ўзининг савдогарлик фаолиятини бошланишида воситачи сифатида Москва Савдогар банки ва бошқа фирмаларнинг маблағига пахта олиб сотиб иш юритган. Кейинроқ, 1905 йилда у ўзининг савдо-саноат ширкатини очди ва уни «Потеляхов» деб номлади. Москва Савдогар банки эса ўз навбатида ўлкада ўзининг пахта операциясини ривожлантириш учун ташкилотчилик шаклини олди» деб эътироф қилади тадқиқотчи [9...103].

Революциядан олдинги тадқиқотчилар Понятовский, Заорский ва Александерлар маҳаллий сармоядорларни пахтакор-деҳқонларни алдаш, талаш, эксплуатация қилиш ҳисобига бойлик орттирганликда айблаб, очикдан-очик «товламачи», «юлғич», «қонхўр» деб ёзадилар. Худди шундай ҳолатни З. Д. Костельскаянинг илмий монографиясида ҳам учратиш мумкин. «...Катта миқдордаги товарларни рус фабрикантларидан қарзга олиб, улар (маҳаллий сармоядорлар - А.Ю.) шаҳар ва қишлоқларда уч баравар қимматига сотишади. Ана шундайлардан бири андижонлик машхур миллионер Миркомил Мирмўминбоев бўлиб, у владимирлик ва шуйсклик фабрикантлардан минг метр газламани қарзга олиб, ўзининг қарздор деҳқонларига зўрлаб сотиб юборади,

аслида уларни талайди. Шунга ўхшаган бошқа миллионерлар ака-ука Ходжиевлар, Темирбеков, Солижоновлар ҳам талончи бўлишган. Маҳаллий китлар (халқда уларни судхўр, қонхўр деб аташган) товарларни тарқатиш, уй саноати ва касибчиликни синдиришда рус капиталининг тиришқоқ ёрдамчилари бўлишган. ...Маҳаллий капитал бозор ва миллионлаб майда деҳқон хўжаликлари ўртасидаги меҳнаткаш халқни хонавайрон қилувчи қуролдир. Бозорни Россиядан келтирилган катта миқдордаги товарлар билан тўлдириб ташлайди, оқибатда маҳаллий уй саноати ва хунармандчилик маҳсулотлари бозордан сиқиб чиқарилади» [10...60-61] деб ваҳимага тушади муаллиф. У товар «дефицит»лигини тарғиб қилиш билан бирга бозор муносабатларига бир томонлама (ёқлама) ёндошади. Қолаверса, рақобат бўлмаган жойда бозор ҳам бўлмаслигини эндиликда ҳамма яхши билади. Шунинг учун Костельскаянинг бундай даъвоси ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Аслида советшунос олимлар ишчи-деҳқон синфини давлат иқтисодини ривожлантирувчи куч (омил) сифатида кўрсатишга ҳаракат қилган. Албатта тадбиркор сармоядорларни эмас. Шу ўринда ОГПУнинг 1929 йилги колхозлаштириш маълумотномаларида келтирилган деҳқонларнинг қуйидаги фикрлари диққатга сазовордир: «Бизда ҳеч қандай камбағаллар ҳам, кулоқлар ҳам йўқ. Ҳамма жамоада бир хил, фақат меҳнаткашлар бор, совет ҳокимияти камбағал деб ҳисоблаган дангаса, ишёқмаслар бор» [11...61].

МУҲОКАМА

Дарҳақиқат совет ҳокимияти ўрнатилганидан кейин С. Понятовский, В. Заорская, А. Александер, З. Костельская ва бошқаларнинг қатор илмий монографияларида Туркистон маҳаллий сармоядорларининг тарихига оид кўплаб парадокс ҳолидаги фактлар мавжуд, яъни сармоядорлар фаолиятига қанчалик салбий тус беришга уринилмасин, келтириляётган далиллардан муаллифларнинг қораловчи гипотезаларига қарши ўлароқ маҳаллий сармоядорларнинг ишбилармонлигини билиб олиш қийин эмас. Масалан, «...Банклар кредитни фақат маҳаллий ер эгалари, савдогарлар ва судхўрларгагина берарди,- деб ёзади Кастельская [10...62].. Улар олинган қарзларни фоизини ошириб деҳқонларга берар эдилар. 1914 йилда Туркистон пахтасининг салкам 75 фоизини етказиб берган Фарғона вилоятининг қарзи 60 миллион деб ҳисобланган, ҳолбуки, жаъми етиштирилган пахтанинг қиймати 90 млн. рубл эди. Айнан шу жойда андижонлик миллионер Миркомил Мирмўминбоевга ўхшаган шахслар ўз фаолиятини тўғри ташкиллай ола билди. У каби бадавлат савдогарлар кўп эди, шу билан бирга улар нафақат руслар

билан, балки ғарб капиталистлари билан яқин алоқада бўлган. Чунончи бухоролик миллионерлар ака-ука Хўжаевлар ғарб бозорлари – Франция, Германия, Англияга қорақўл жўнатиб турган. Темир йўл қурилмасдан илгари ўзбек қорақўлини четга чиқариб сотишдан кўра кўпроқ маҳаллий аҳолининг ўзи ишлатарди. Темир йўллар ишга туширилиб, Туркистон Россия томонидан босиб олинганидан сўнг қорақўлнинг ҳаммаси олиб кетила бошланди. Унинг нархи жуда кўтарилиб кетганлиги сабабли туб аҳоли харид қилмай қўйди. Қорақўл ўша пайтларда урф бўлган эди, шунинг учун баҳоси янада ошиб, унинг эгалари бойиб кетишди. Тошкентлик заводчи-бойлар Орифхўжаев, Солихов, Абдурашидов, Исақов ва бошқалар тери ошлаб миллионлаб пул айлантirdилар, уларнинг Петербургда, Гелрсингфорс ва бошқа жойларда филиаллари бор эди» [10...65].

Қорақўл терининг йирик экспорти билан шуғулланган маҳаллий сармоядорлардан ака-ука Арабовлар йилига 300 000 донагача, Убайдулла Қосимхўжаев – 300 000 га яқин, унинг акаси Латиф Қосимхўжаев – 100 000 донага яқин, Муқимбоев – 100 000 тагача тери, К. Азизов – 50 000 донагача, Бухоро амири – 150 000 донадан 300 000 донагача қорақўл терини чет элга сотар эди [12...36]. Шунингдек, маҳаллий савдогар-сармоядорлар Россия, Бухоро, Хива, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Туркия ва Қошғардан турли хил молларни Туркистонга келтириб сотардилар. Россиянинг Европа қисмидан мануфактура, мустамлакалар учун ишлаб чиқарилган (уларни колониал товарлар деб юритилган ва асосан мустамлакаларга метрополиядан келтириладиган кофе, чой, гурунч ва бошқа шу каби товарлар тушунилган) ва галантерия моллари келтирилар эди. Метрополиядан мустамлакалар учун келтирилган маҳсулотлардан энг асосийси чой ҳисобланган. Масалан, 1898 йилда Фарғонада олий навли қора ва кўк чой истеъмол қилиш 40 000 пудни ташкил этган. Жумладан, паст навли чой «дира» 20 000 пудгача ва худди шундай навли «патта» 10 000 пудгача, шу йили жаоми 70 000 пудгача чой истеомол қилинган. Кейинги йилларда чой истеомол қилиш янада кўрайган. 1898 йили Фарғона вилоятига Қошғардан 782 138 рубллик, 1899 йилда эса 770 250 рубл суммада мол олиб келинган. Қошғарга 1898 йилда 1 256 047, 1899 йилда 1 361 562 рубллик мол олиб борилган.

Фарғона вилоятида 1899 йилда жами 24 761 савдо-хунармандчилик саноатидан 253 769 рубл 80 коп турли хил йиғимлар олинган [13...178].

Қошғардан Фарғона вилоятига қуйидаги моллар келтирилган:

| т/р | Товарнинг статистик номенклатура бўйича номланиши | Тариф миқдори | | Товарнинг умумий баҳоси рублда | Тўланадиган бож | |
|-----|---|---------------|----------|--------------------------------|-----------------|-----|
| | | пуд | фунт | | Руб | коп |
| 1 | Қуруқ мевалар | 198 | 29 | 1010 | - | - |
| 2 | Бишт чой | 336 | 5 1/4 | 6332 | 1344 | 53 |
| 3 | Кўк чой | 48 | 07 | 1050 | 693 | 72 |
| 4 | Мол ёғи | 12 | | 144 | | |
| 5 | Қўй ёғи | 4 | | 20 | | |
| 6 | Қўй ичаги | 269 | 37 | 5549 | | |
| 7 | От думи | 2 | | 25 | | |
| 8 | Парранда мойи | 4 | | 32 | | |
| 9 | Ишлов берилмаган тери катта Ишлов | 232 | | 2340 | | |
| 10 | берилган тери катта Ишлов берилган | 515 | 37 | 8950 | | |
| 11 | тери кичик | 280 | 09 | 2115 | | |
| 12 | Тулки мўйнаси | 4 | | 400 | | |
| 13 | Тери пойафзал | 147 | 32 | 6452 | | |
| 14 | Ҳар хил уруғлар | 44 | | 272 | | |
| 15 | Маржонлар | 64 | 24-42 | 26070 | 11629 | 98 |
| 16 | Чинни буюмлар | 4 | 23 | 158 | | |
| 17 | Олтингугурт | 39 | 23 | 1300 | | |
| 18 | Новшадил | 50 | | 500 | | |
| 19 | Аччиқтош | 4907 | 13 | 20475 | | |
| 20 | Доривор ўсимликлар | 24 | | 180 | | |
| 21 | Оқ бўёқ | 29 | 18 | 680 | | |
| 22 | Мис буюмлар | 32 | | 800 | | |
| 23 | Ипак чиқитлари | 717 | 24 | 11545 | | |
| 24 | Ипак хом ашёси | 8 | 04 | 500 | | |
| 25 | Пахта | 1349 | 11 | 6042 | | |
| 26 | Ювилган ипак | 6 | | 38 | | |
| 27 | Йигирилган ипак | 75 | 19 | 985 | | |
| 28 | Қоғоз қошлар | 394 | 01 | 98 | | |
| 29 | Оқартирилган ип газламалар | 32284 | 23 | 396001 | | |
| 30 | Бўялган ип газлама | 399 | 33 | 6150 | | |
| 31 | Инглиз ҳинд кисели | - | 28 1/4 | 110 | 28 | 25 |
| 32 | Каноп арқон | 56 | 20 | 302 | | |
| 33 | Жундан тўкилган арқон | 200 | 37 | 1413 | | |
| 34 | Шойи материаллар | 43 | 31 | 8382 | | |
| 35 | Нимшойи материаллар | - | 58 тилла | 5 | 2 | 72 |
| 36 | Жундан қилинган камар | 1056 | 03 | 17260 | | |
| 37 | Жун қошлар | 159 | 36 | 1970 | | |
| 38 | Кигиз | 8678 | 33 | 84010 | | |
| 39 | Гидамлар | 2327 | 33 | 54745 | | |
| 40 | Тайёр кўйлақлар (халатлар) | 88 | | 2200 | | |
| 41 | Қўй жуни | 3831 | 36 | 56090 | | |
| 42 | Хитой ёмбилари | 53 | 01 | 37550 | | |

| т/р | Товарнинг статистик номенклатура бўйича номланиши | Тариф миқдори | | Товарнинг умумий баҳоси рублда | Тўланадиган бож | |
|-----|---|---------------|----------|--------------------------------|-----------------|------|
| | | пуд | фунт | | Руб | коп |
| 1 | Қуруқ мевалар | 198 | 29 | 1010 | - | - |
| 2 | Бишт чой | 336 | 5 1/4 | 6332 | 1344 | 53 |
| 3 | Қўк чой | 48 | 07 | 1050 | 693 | 72 |
| 4 | Мол ёғи | 12 | | 144 | | |
| 5 | Қўй ёғи | 4 | | 20 | | |
| 6 | Қўй ичаги | 269 | 37 | 5549 | | |
| 7 | От думи | 2 | | 25 | | |
| 8 | Парранда мойи | 4 | | 32 | | |
| 9 | Ишлов берилмаган тери катта Ишлов | 232 | | 2340 | | |
| 10 | берилган тери катта Ишлов берилган | 515 | 37 | 8950 | | |
| 11 | тери кичик | 280 | 09 | 2115 | | |
| 12 | Тулки мўйнаси | 4 | | 400 | | |
| 13 | Тери пойафзал | 147 | 32 | 6452 | | |
| 14 | Ҳар хил уруғлар | 44 | | 272 | | |
| 15 | Маржонлар | 64 | 24-42 | 26070 | 11629 | 98 |
| 16 | Чинни буюмлар | 4 | 23 | 158 | | |
| 17 | Олтингугурт | 39 | 23 | 1300 | | |
| 18 | Новшадил | 50 | | 500 | | |
| 19 | Аччиқтош | 4907 | 13 | 20475 | | |
| 20 | Доривор ўсимликлар | 24 | | 180 | | |
| 21 | Оқ бўёқ | 29 | 18 | 680 | | |
| 22 | Мис буюмлар | 32 | | 800 | | |
| 23 | Ипак чиқитлари | 717 | 24 | 11545 | | |
| 24 | Ипак хом ашёси | 8 | 04 | 500 | | |
| 25 | Пахта | 1349 | 11 | 6042 | | |
| 26 | Ювилган ипак | 6 | | 38 | | |
| 27 | Йигирилган ипак | 75 | 19 | 985 | | |
| 28 | Қоғоз қоплар | 394 | 01 | 98 | | |
| 29 | Оқартирилган ип газламалар | 32284 | 23 | 396001 | | |
| 30 | Бўялган ип газлама | 399 | 33 | 6150 | | |
| 31 | Инглиз ҳинд кисели | - | 28 1/4 | 110 | 28 | 25 |
| 32 | Каноп арқон | 56 | 20 | 302 | | |
| 33 | Жундан тўқилган арқон | 200 | 37 | 1413 | | |
| 34 | Шойи материаллар | 43 | 31 | 8382 | | |
| 35 | Нимшойи материаллар | - | 58 тилла | 5 | 2 | 72 |
| 36 | Жундан қилинган камар | 1056 | 03 | 17260 | | |
| 37 | Жун қоплар | 159 | 36 | 1970 | | |
| 38 | Кигиз | 8678 | 33 | 84010 | | |
| 39 | Гидамлар | 2327 | 33 | 54745 | | |
| 40 | Тайёр қўйлақлар (халатлар) | 88 | | 2200 | | |
| 41 | Қўй жуни | 3831 | 36 | 56090 | | |
| 42 | Хитой ёмбилари | 53 | 01 | 37550 | | |
| | Жами | 8984 | 31 | 770250 | 9 | 1369 |
| | | | -52 | | | 2 |
| | | | | | 0 | |

Қуйидаги жадвалда Туркистон маҳаллий савдогарларининг Қошғарга олиб борган моллари келтирилган.

| Т/р | Товарнинг статистик номенклатура бўйича номланиши | миқдори | | Товарнинг умумий баҳоси (рублда) |
|-----|---|---------|------|----------------------------------|
| | | Пуд | фунт | |
| 1 | Майиз | 296 | | 1184 |
| 2 | Қурук мевалар | 116 | | 740 |
| 3 | Бодом | 318 | | 1908 |
| 4 | Писта | 116 | | 454 |
| 5 | Қалампир | 8 | | 160 |
| 6 | Шакар | 2352 | | 14100 |
| 7 | Оқ қанд | 3436 | | 27480 |
| 8 | Обакиданон (конфет) | 670 | | 6700 |
| 9 | Баргга ўралган тамаки | 1668 | | 5959 |
| 10 | Краҳмал уни (елими) | 2040 | | 8310 |
| 11 | Доривор ўсимликлар | 28 | | 272 |
| 12 | Ўсимлик (дарахт) бўлаклари | 8 | | 40 |
| 13 | Туя териси | 16 | | 640 |
| 14 | Пахтадан йигирилган ип | 896 | 36 | 26740 |
| 15 | Дарахт елими | 364 | | 1456 |
| 16 | Темир парчаси | 1328 | | 1916 |
| 17 | Сараланган темир | 1526 | | 6280 |
| 18 | Пўлат | 1417 | | 9184 |
| 19 | Қалай | 12 | | 120 |
| 20 | Алоҳида номга эга бўлмаган ҳар хил товарлар | 40 | | 460 |
| 21 | Керосин | 444 | | 935 |
| 22 | Ўсимлик бўёвчи модда (рўян) | 1686 | | 13864 |
| 23 | Фуқсин (қизил анимин бўёк) | 448 | | 35840 |
| 24 | Ҳар хил бўёқлар | 16 | | 176 |
| 25 | Чинни чойнақлар | 140 | | 1400 |
| 26 | Ойнақ листлари | 6 | | 120 |
| 27 | Кўзгу | 56 | | 1120 |
| 28 | Мис буюмлар | 16 | | 480 |
| 29 | Темир буюмлар | 108 | | 1140 |
| 30 | Пўлат буюмлар | 154 | | 2080 |
| 31 | Тунука буюмлар | 104 | | 1160 |
| 32 | Тиқув машиналари | 6 | | 120 |
| 33 | Дурадгорлик буюмлари | 260 | | 2600 |
| 34 | Қоғоз | 96 | | 1440 |
| 35 | Чарм (тери) буюмлар | 36 | | 576 |
| 36 | Зиғир, каноп тола буюмлари | 8 | | 200 |
| 37 | Шойи мато | 264 | | 42300 |
| 38 | Халатлар | 4 | | 800 |
| 39 | Газламалар | 3593 | 34 | 91887 |
| 40 | Совун | 48 | | 336 |
| 41 | Атторлик моллари | 44 | | 1320 |
| 42 | Шамлар | 497 | | 5984 |
| 43 | Китоблар | 32 | | 1280 |
| 44 | Гургутлар | 540 | 36 | 8400 |
| 45 | Спиртли лак | 12 | | 780 |
| | Жами | 51231 | 24 | 1361568 |

Мисол учун кўқонлик Бадалмамат Каримов, андижонлик Турди Муҳаммад, бухоролик Раҳматбой Раҳимбоев ва Тўлабой Болтабоевлар, тошкентлик Мулла Ёрмуҳамматовлар Қошғар билан бўлган савдо-сотикда 50 минг 908 сўмлик газлама, 750 сўмлик 300 дона тайёр тўн, 3 000 сўмлик 1 000 тўп зар ип ва бошқа ҳар хил моллар билан савдо қилганлар [14...231].

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган маълумотлардан хулоса қилиб шуни аниқ англаш мумкинки XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда фаолият олиб борган жуда кўплаб маҳаллий сармоядорлар ўз фаолиятларининг аввалида маҳаллий аҳолидан сотиб олинган турли миқдордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг айланма савдосидан унумли фойдаланган. Шу билан бирга ўз фаолиятини кенгайтириб боришга эришган. Албатта бунда уларга шу даврда Туркистонда ўз фаолиятини кенг йўлга қўйиб борган тижорат банклари анча туртки берган. Чунки ўлкага “ажалдай” ёпирилган рус савдо-саноат ва тижорат аҳли ҳам ўз манфаатини эсдан чиқармаган. Сармоядорларга ажратилган турли молиявий маблағлар улар томонидан ортиғи билан қайтарилганлигига ҳеч қандай шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Туркистоннинг иқтисодий ривожланиши асосан савдо билан боғлиқ бўлиб, пулни тез айланиши ва жуда катта фойда келтирганлиги сабабли сармоядорлар асосан савдога маблағ қўйишган. Туркистонлик маҳаллий сармоядорлар ўз маблағларига қурган пахта тозалаш заводларини йирик фирмаларга ижарага бериш воситаси билан ҳам савдо-тадбиркорлик фаолиятларини кенгайтирганлар, бундан улар катта фойда олганлар.

REFERENCES

1. Аминов А.М. Экономическое развитие Средней Азии. С. 277
2. Бартольд В.В. (1927) История культурной жизни Туркестана, Л. 6.247
3. Лаврентьев В. (1930) Капитализм в Туркестане. М. б.111
4. Массальский К. (1913), Туркестанский край. «Россия», XIX. СПб, с. 341
5. Непомнин В.Я. (1940) К истории ирригации в Узбекистане. Т. с.24
6. Понятовский С. (1913) Опыт изучения хлопководства в Туркестане и Закаспийской области. СПб,. с. 289
7. ЎзР МДА, ф. Оп. Д. 87-варақ орқаси, 88-варақ
8. Юнусходжаева М.Ю. (1970) Из истории землевладения в дореволюционном Туркестане. Т. с. 76-77

9. Потапова Н.Ю (2002) История предпринимательства в Туркестане (вторая половина XIX – начало XX вв.) Дисс. Канд. Ист. наук. Т. с.103
10. Костельская З.Д. . (1980)Из истории Туркестанского края (1865-1917) М. 1980, с. 60-61
11. Шамсутдинов Р. (2001) Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожели оқибатлари. Т. 61-б
12. Карпов М. (1912) Вопросы каракулеводства. СПб, с. 36
13. Обзор Ферганской области за 1899 год. Нов. Марг. Тип. Ферг.обл. 1901. С. 178
14. Туркестанский сборник. Т.227. с. 231